


Ультратовуш текшируви (УТТ)

Бу текширув аввало 40 ёшгача бўлган ёш аёлларда пайпаслаб кўриш хулосасига биноан ўтказилиши лозим. Кўпчилик ҳолатларда унинг ёрдамида қандайдир нурланиш қўлланмасдан, кўкрак беидаги оғриқ сабабини аниқлаш мумкин. Кўйилган ташхисга нисбатан гумон туғилганда маммография текшируви ўтказилади. Кўкрак беи тўқимаси зич бўлган аёлларда маммография текшируви билан бир қаторда ультратовуш текшируви (УТТ) ўтказилади, чунки бу текширув тўқима тузилишини юқори аниқликда кўришга имкон яратади.



Кўпчилик аёллар учун “кўкрак беи саратони” ташхиси умуман кутилмаган ҳолатдир. Бундай вазиятда аёлларнинг кўпчилиги ўзларини ёрдамга муҳтож сезадилар.

Сиз касаллик ва уни ташхислаш, даволаш тўғрисида кўпроқ тушунчага эга бўлишингиз ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида ҳам билишингиз шарт.

Эсингизда бўлсин, Сиз қуйидагиларни билишга ҳақлидирсиз:

- ❧ шифокорнинг тўлиқ тушунтиришлари;
- ❧ шифокор маълумотининг сир сақланиши;
- ❧ зарурий тўлиқ текширувлар ўтказилиши;
- ❧ шифокор хулосалари ва ўз тасвирий текширувларингиз маълумотлари.

Бутун Ер юзида сиз каби аёлларни қўллаб-қувватлаш учун пушти лента шиори остида қўллаб-қувватлаш дастурлари мавжуд.



Сиз қўшимча фойдали маълумотларни: Республика Онкология илмий маркази қошидаги Республика Рентген-радиология марказидан ҳамда яшаб турган вилоятингиздаги онкология марказлари ходимларидан олишингиз мумкин.

Тел.: (+998 71) 246-05-13, 246-25-25.
Эл. почта: info@ronc.uz

Аёллар саломатлиги - гўзал ҳаёт ва узоқ умр кўриш гаровидир!



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги



Барчаси аёллар саломатлиги учун

Сиз безлари касалликларини ташхислаш замонавий усулларининг имкониятлари ҳақида маълумот



Ilrochi:
giz
Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH



Аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлган аёллар билан керакли суҳбатларни ўтказиш ва тўғри қарор қабул қилиш осон кечади. Бугунги кунга келиб, кўкрак беzi саратонини даволаш анча енгиллаш-моқда. Тўқималардаги ўзгаришлар қанчалик эрта аниқланса ва ўзига хос даво муолажалари эрта бошланса, беморнинг тузалиши имконияти шунчалик юқори бўлади. Кўкрак беzi саратони касаллигининг бошланғич даврида ҳеч қандай ноқулайлик ва шикоят безовта қилмагани сабабли касалликни эрта аниқлаш мақсадида мунтазам текширувлардан ўтиб туриш муҳимдир. Ёш ўтиши билан касалланиш хавфи ортиб боради.

Менопауза (хайздан қолиш)дан сўнг соғлом ва фаол турмуш тарзини олиб боровчи аёллар бундай касалликка камроқ чалинади. Агар оилада она ёки опа саратон касаллиги билан касалланган бўлса, кейинги авлод аёлларидан бирида саратон касаллиги учраши эҳтимоли бўлади.

фия, ультратовуш (УТТ) ва магнит-резонанс томографияси (МРТ) каби текширувлардан ўтиш тавсия этилиши мумкин. Хавф омиллари, ҳаётий вазият ва соғлигингиз ҳолатини эътиборга олган ҳолда қайси текширувлардан ўтиш кераклиги шифокор томонидан ҳал қилинади.


Касалликнинг бошланғич давридаги текширув усуллари:

Маммография усули

- ☞ Рентген нурлари таъсирида тўқима таркибини яққол кўришга имкон яратади.
- ☞ Маммография – бу кўкрак беzi саратони ва ўсмаларини эрта аниқлашда ҳар томонлама тан олинган ва жуда қулай усулдир.
- ☞ Эрта ўтказилган маммографик текширувлар аёлларда ўлим ҳолатларини анча камайтиради.
- ☞ 50 ёшгача бўлган аёллар ўртасида 17 фоиз, ёш гуруҳига қараб 50-60 ёшлилар ўртасида 30 фоизгача.

Нима учун касалликни эрта даврларида аниқлаш жуда муҳим?

Эрта аниқланган кўкрак саратони касалликни самарали даволаш учун имконият яратади. Шифокор томонидан пайпаслаб кўриш ва кейинчалик ўтказиладиган маммография ёки ультратовуш текширувлари – энг кўп қўлланиладиган текширув усуллариандир. 20-40 ёшли аёллар бир йилда бир марта гинеколог ва маммолог томонидан профилактик текширувдан ўтишлари лозим.



Хавф омиллари

Кўкрак беzi саратони касаллигидан юз фоиз ҳимояланиш йўллари мавжуд эмас. Илмий текширувлар шуни кўрсатадики, спиртли ичимликлар ичиш, климактерик даврда гормонал даволаниш ҳамда ортиқча вазн касаллик келиб чиқишининг хавфли омиллари бўлиши мумкин. Болани кўкрак сути билан боқиш касалликнинг олдини олиш чораларидан биридир.



Шифокорнинг пайпаслаб кўрган кўригидан сўнг хавф аниқланса, унинг хулосасига кўра чуқур текширувлар учун маммогра-

